



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIBLIGI**

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SANITARIYA-EPIDEMIOLOGIK OSOYISHTALIK VA  
JAMOAT SALOMATLIGI XIZMATI**

**SANITARIYA, GIGIYENA VA KASB KASALLIKLARI ILMIIY-TADQIQOT INSTITUTI**

**SANITARIYA-EPIDEMIOLOGIK OSOYISHTALIKNI  
TA'MINLASH VA AHOLI SALOMATLIGINI MUHOFAZA  
QILISHNING DOLZARB MUAMMOLARI**

**RESPUBLIKA ILMIIY-AMALIY ANJUMANNING**

**TEZISLAR TO'PLAMI**

**Tibbiyot fanlari doktori, professor  
R.T. KAMILOVA ning  
umumiy tahririyati ostida**

**Toshkent - 2022**



**МИНИСТЕРСТВО ЗДРАВООХРАНЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН  
СЛУЖБА САНИТАРНО-ЭПИДЕМИОЛОГИЧЕСКОГО БЛАГОПОЛУЧИЯ И  
ОБЩЕСТВЕННОГО ЗДОРОВЬЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН  
НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ САНИТАРИИ, ГИГИЕНЫ И  
ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ ЗАБОЛЕВАНИЙ**

## **СБОРНИК ТЕЗИСОВ**

**РЕСПУБЛИКАНСКОЙ  
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ**

**АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ САНИТАРНО-  
ЭПИДЕМИОЛОГИЧЕСКОГО БЛАГОПОЛУЧИЯ И ОХРАНЫ  
ЗДОРОВЬЯ НАСЕЛЕНИЯ**

**Под общей редакцией  
доктора медицинских наук, профессора  
КАМИЛОВОЙ Р.Т.**

**Ташкент - 2022**

---

## ЮЗА ФАОЛ МОДДАЛАР ОЧИҚ СУВ ҲАВЗАЛАРИНИ ИФЛОСЛАНТИРУВЧИ МАНБА СИФАТИДА

*Искандарова Г.Т., Юсупхўжаева А.М.*

*Тошкент тиббиёт академия*

**Кириш.** Ҳозирги вақтда 80 мингга яқин кимёвий моддалар ишлаб чиқарилмоқда, ҳар йили дунё бозорига яна минглаб янги кимёвий моддалар чиқарилмоқда. Бутун жаҳонда 250 млн тонна органик кимёвий моддалардан фойдаланилади, уларнинг сезиларли даражадаги катта қисми эса фойдаланиб бўлгандан кейин, ҳеч қандай назоратларсиз атроф муҳит омилларига, жумладан очиқ ва ер ости сув манбаларига ташланади. Атроф муҳитни энг кенг даражада ифлослантирувчи моддаларга сунъий юза фаол моддалар киради.

Сунъий юза фаол моддалар ташқи муҳитда жуда тез парчаланиб кетиши ёки аксинча доимий рпавишда тўпланиб, ўсимлик ва ҳайвонлар ҳамда инсонлар организмида йўл қўйиб бўлмайдиган концентрацияларда тўпланиб бориши мумкин.

Ишлаб чиқариш тармоқларининг янада ривожланиши ва кимё саноатини халқ хўжалигига ва аҳоли турмуш шароитига янада кўпроқ кириб келиши натижасида сунъий юза фаол моддаларни аҳоли турмуш шароити ва саломатлигига таъсири янада сезилмоқда.

Тадқиқотнинг мақсади. Юза фаол моддаларни очиқ сув ҳавзалари ва ер ости сув манбалари таркибида пайдо бўлиш йўллари, сунъий юза фаол моддаларни аэрация тозалаш иншоатларида бартараф этишнинг мақбул усулларини баҳолаш.

**Материаллар ва усуллар.** Олиб борилган илмий изланишда лаборатор текшириш усуллари, жумладан органолептик, санитар кимёвий текшириш усулларидан фойдаланилди. Олинган натижалар статистик қайта ишлаш усулларидан фойдаланилган ҳолда таҳлил қилинди.

Олинган натижалар муҳокамаси.

Тошкент шаҳри аҳолисидан ҳосил бўлувчи чиқинди сув таркибидаги сунъий юза фаол моддалар асосан тўқимачилик саноати ҳисобига тўғри келади. Мазкур корхоналардан ҳосил бўлувчи чиқинди сувларни ҳеч қандай тозалашларсиз тўғридан тўғри очиқ сув ҳавзасига ташланиши сув ҳавзаси сувининг органолептик, химиявий кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун технологик жараёнида таркибида сунъий юза фаол моддалар сақлаган чиқинди сув ҳосил қиладиган ишлаб чиқариш корхоналарида албатта локал тозалаш иншоотларини ташкил этиш зарур.

Шундай тозалаш иншоотлари бўлган корхоналардан ҳосил бўладиган чиқинди сувларни тозалаб, сўнгра канализация тармоғига ташлаш Салар ва Бозсу аэрастанциялари иш самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

---

**Хулоса.** Чикинди сув таркибидаги сунъий юза фаол моддаларни камайтириш ва миқдорини гигиеник меъёрлар даражасига келтиришда Салар ва Бозсу аэрастанциялардаги биологик тозалаш иншоотларининг роли беқиёсдир. Биологик тозалаш иншоотларидан аэротенклар чикинди сув таркибидаги сунъий юза фаол моддаларни биохимиявий оксидлаш натижасида камайтиради. Натижада чикинди сув таркибидаги сунъий юза фаол моддалар миқдори гигиеник меъёр Санитар Қоида ва нормативлари 0318-015-сонли талабларига мос келади. Биологик тозалаш иншоотларини сунъий юза фаол моддалар миқдорини камайтириш бўйича самарадорлигини оширишда коагулянтлардан фойдаланиш, ёки чикинди сувни активлаштирилган кўмирли филтрдан ўтказиш сунъий юза фаол моддалар миқдорини янада камайтирган бўлар эди.

## **БУЙРАК КАСАЛЛИГИ БЎЛГАН БЕМОРЛАР ОВҚАТ РАЦИОНИДАГИ НУТРИЕНТЛАР ТАҲЛИЛИ**

*Исмайлова М.Б., Отажонов И.О., Файзибоев С.С.*

*Тошкент тиббиёт академияси*

**Кириш.** Энг муҳим ижтимоий аҳамиятга эга касалликларнинг шаклланишида ва ривожланишида саломатлик учун хавф омиллари ҳисобланган хулқ-атвор, биологик, ирсий, ижтимоий, экологик ва касбий хавфли омиллар касалликларга чалиниш эҳтимолини оширади, уларнинг ривожланиши ва салбий оқибатларга олиб келишида катта рол ўйнайди. Тўғри овқатланиш инсон саломатлигини мустаҳкамлашнинг асосий талабларидан бири ҳисобланиб, алоҳида ва жамоавий гуруҳларининг саломатлик ҳолатини белгиловчи омил сифатида эътироф этилади. Соғлом турмуш тарзига амал қилиш, шу жумладан жисмоний машқлар, тўғри овқатланиш, чекишни ташлаш, қон босимини, қондаги глюкоза ва оксил миқдорини назорат қилиш буйрак касалликлари ривожланишини камайтиришга ёрдам берадиган муҳим омиллардир.

Одатда буйрак касаллиги бўлган беморлар учун овқат рациони таркибидаги оксил кунига 1 кг тана вазнига 0,6 г бўлиб, уларнинг камида 50%и тухум, балиқ ва гўшт каби юқори биологик қийматга эга бўлган маҳсулотлардан ташкил топган бўлиши керак. Кунлик қувватмандликнинг асосий қисми углеводлар (умумий қувватмандликнинг 55-60%и) ва ёғлар (умумий қувватмандликнинг 30-35%и) ҳисобига тўлдирилиши керак. Оксилга бой озиқ-овқат маҳсулотларини (сут ва ярим тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари) чекланиши ҳисобига ушбу парҳезда одатда фосфор (кунига 600-800 мг), натрий (кунига 2-3 г) ва калций кам бўлади.

**Илмий ишнинг мақсади** экологик ноҳуш шароитда истиқомат қиладиган буйрак касаллиги бўлган беморлар оват рационидаги нутриентларни баҳо беришдан иборат.

<b>Башарова Л.М.</b> Недельный рацион домашнего питания детей дошкольного возраста .....	24
<b>Зарединов Д.А., Кодиров Д.А., Исраилова Г.М.</b> Соя ва соя махсулотларининг радионуклид таркибини гигиеник асослаш .....	25
<b>Ибадова Г.А., Мусабаев Э.И., Ражабов И.Б., Кадырова Н.Э., Байназаров М.</b> Возможности отечественного препарата рутан при лечении COVID-19 у детей .....	27
<b>Исакова Л.И., Атаниязова Р.А., Камилова Р.Т., Усманова М.И., Ташбаев Н.С.</b> Характеристика условий проживания населения .....	28
<b>Искандаров Т.И., Романова Л.Х.</b> К вопросу о токсичности комплексного удобрения «Uni-agro» .....	30
<b>Iskandarova G.T., Abdullaev M. A.</b> To the problem of latex allergy in medical workers .....	32
<b>Искандарова Г.Т., Ташпулатова М.Н., Самигова Н.Р.</b> Фармацевтика корхонасининг иш жойлари ҳавосида чангланганликни гигиеник баҳолаш .....	33
<b>Искандарова Ш.Т., Хасанова М.И.</b> Организация мониторинга за загрязнением почвы в условиях г.Ташкента....	35
<b>Искандарова Г.Т., Юсупхўжаева А.М.</b> Юза фаол моддалар очик сув ҳавзаларини ифлослантирувчи манба сифатида	37
<b>Исмайлова М.Б., Отажонов И.О., Файзибоев С.С.</b> Буйрак касаллиги бўлган беморлар овқат рационидаги нутриентлар таҳлили	38
<b>Исмадиярова З.Д., Хамрокулова М.А., Мирджураев Э.М.</b> Касбий кохлеар невритни даволашда гирудотерапиянинг самараси .....	40
<b>Кадирова Н.Р.</b> “Фавкулотда вазият”нинг узок муддатли шароитида мигрантлар орасида оив инфекцияси эпидемиясининг ўзгариш хусусиятлари .....	41
<b>Калниязова И.Б., Матназарова Г.С.</b> Возрастные особенности ВИЧ-инфекции у беременных женщин Республики Каракалпакстан .....	43